**Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти кафедра ходимлари томонидан 226 Ўрта таълим мактаб битирувчи ўқувчилари ўртасида ўтқазилган давра сухбат ҳақида**

# Ҳисобот

**Тошкент ш.** **23.12.2020й.**

**Кун тартиби:**

Тошкент шахар Яшнобод туманида жойлашган 226 ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг орасида касбий мойиллигини аниклаш.

**Қатнашчилар: ТошПТИ Биофизика ва тиббий информатика кафедра мудири доцент Каршиев Д.А., асс Абдусаттор С.Ш., Фармакология ва Физиология кафедраси ассистенти Назарова Л.А ва Амбулатор тиббиёти, жисмоний тарбия кафедраси ассистенти Ахмедова Ф.М.**

**Бажарилган ишлар;**

Мактабга борилганда Мактаб деректори Ниёзов Н.Т ва мактаб ўқитувчилари томанидан жуда илик кутиб олинди. Мактаб деректори Наби Турсунович билан келишиб ўз мақсадимизни баён килинди ва фикир алмашилди.







Шундан сўнг бизни битирувчилар синфи томон кузатиб кўйилди. Хар бир кафедра ходимлари битадан синф хоналарига кириб битирувчи ўкувчилар билан очиқ сухбат ўтказилди , уларга инфарматика фанидан Қаршиев Д.А томонидан қискача тушунтириш олиб борилди









Хар биттда ўкувчи билан ўз фикрлари хақида малумот олинди ва олдига кўйган мақсадини тингланди, келажакда ким бўлиши қайси касб эгаси бўлиши орзу умидлари ва кушимча хоббий сифатида нималар билан шуғулланиши хақида маълумот олинди.
Яна ўқувчиларига китобхонлик маданиятини шакллантиришга бағишлаб давра суҳбати ўтказилди. Китоб ўқишнинг ҳаётдаги аҳамияти, кўп китоб ўқиш дунёқарашнинг кенгайишига олиб келиши, китобга бўлган муҳаббат ҳақида гаплашилди. Битирувчилар ўзлари ёқтирган ва охирги ўқиган бадиий китоблар ҳақида ва уларнинг маъно-мазмун ҳақида бир-бирларига гапириб бердилар.









Шунингдек сухбад якунида кичкинагина тест сурувнома тарикасида битиручиларга институт раҳбарияти томонидан олдиндан тузилган сўровнома варакчаси таркатилди.

Тақдим этилган сўровнома саволарини орасида хаётда нимага қизиқасиз саволига жавоб тариқасида битирувчиларни хаммаси Мустахкам ойлага деган жавоби бизни жуда хайратлантирди ва қувонтирди.





Ўкувчиларга институт профессор-ўқитувчилари иштирокида фанлар кесимида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига кириш учун қўшимча дарсларни ўтказиш ҳақида гапирилди. Кимё, биология, физика, она тили фанларидан. институт ахборот-ресурс маркази ўқув адабиётлари ҳамда электрон базасидан ўқувчиларни мустақил тайёрланиши учун шароит борлиги хақида тушунтирилди.

**Амбулатор тиббиёт, жисмоний тарбия**

**Кафедраси мудири проф** **Э.А Шамансурова**

**“Фармакология ва физиология” кафедраси мудири** **С.Д. Аминов**
**д.м.н., профессор**

**Тиббий Педагогика факултети декани** **А.Р Валиев**

XODIMLAR BO'LIMI

IMZONI TASDIQLAYMAN